

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ёшлар ишлари агентлиги
директори ўринбосари –
харид комиссияси раиси



Ж. Ходжаев

Ёшлар сиёсатига оид таҳлилий ҳужжатли-бадиий фильм тайёрлаш юзасидан

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ
ҲУЖЖАТИ**

Тошкент 2022 йил

Xin

III. БОБ. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

1. Умумий маълумотлар

1.1. Тўлиқ номи: Ёшлар сиёсатига оид таҳлилий хужжатли-бадиий фильм тайёрлаш юзасидан энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш.

1.2. Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги.

1.3. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни тайёрлаш ва ишларни бажариш бўйича энг яхши таклиф: Буюртмачи томонидан ўтказилган танлаш натижаларига кўра аниқланади.

1.4. Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг максимал нархи: КҶС билан **300 000 000 (Уч юз миллион) сўм.**

1.5. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни тайёрлаш ва бажариш муддати: **40 кун.**

1.6. Молиялаштириш манбалари: Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамгармаси маблаглари ҳисобидан.

2. Техник талаблар

2.1. Ёшлар сиёсатига оид таҳлилий хужжатли-бадиий фильм тайёрлаш юзасидан техник вазифа:

Давлатнинг ёшлар сиёсатида бугунги кунда тутган ўрни, ёшларнинг бугунги ва яқин келажагини кинематографик ёндашув орқали кўрсатиб шу асосида таҳлилий таққосланган хужжатли бадиий фильм суратга олиш.

Фильм сони: 1 та.

Фильм давомийлиги: 60-90 дақиқа оралиғида

Жанр: хужжатли бадиий

Муддат: 40 кун

Фильмда ишчи тили ўзбек тили.

Фильмнинг тасвирга олишда сифат бўйича талаблар:

16:9 форматда 6K WS (6144x2592) yoki 4K (3840x2160), професионал монтаж, рангли коррекция.

Фильмнинг овози бўйича талаблар:

320 kbs stereo AAC форматдаги сифатда.

Фильмнинг бадиий-гоявий талаблари:

Танловга Фильмнинг 2 варагдан кам бўлмаган кенгайтирилган синопсиси тақдим қилинади, бунда фильм синопсисининг бадиий-гоявий мазмуни ва ижодий креатив ечимига танловга жалб қилинган соҳа эксперtlари томонидан тегишли хулоса берилади.

Иштирокчига қўйиладиган талаблар:

иштирокчининг охирги 3 йил давомидаги асосий фаолият тури кинематография соҳаси бўлиши ва ёшларга оид давлат сиёсати бўйича камида 5 та ижод маҳсули тайёрлаган бўлиши;

фильмни тасвирга оладиган ижодий гурухнинг яъни ссенарий муаллифи, режиссёр, оператор ва продюсернинг соҳадаги тажрибаси ҳамда шу кунгача ишлаб чиқарган аудиовизуал асарларининг сони, сифати ва эришилган натижаси.

Фильмнинг пиар тарғиботи бўйича талаблар:

Фильм интернет нашрлар, ижтимоий тармоқлар ва блогерлар томонидан кенг пиар тарғибот қилиниши зарур ва бу бўйича иштирокчилар томонидан танловга алоҳида аник медиа режа ва қамраб олинадиган аудитория ҳажми таклиф этилиши талаб этилади.

Муаллифлик ҳуқуклари бўйича талаблар:

Фильмни яратишнинг барча босқичларида маҳсулотни яратувчи амалдаги конунчиликка амал қилган ҳолда фильмдаги тасвирлар, ёзув кўринишидаги матнлар, товушлар, мусикалар, овозлардан фойдаланиш талаб этилади. Сиз тақдим этган фильмда муаллифлик ҳуқуклари бузилган ҳолатда, қайта таҳrir қилиш талаб этилади. Бунинг иложи бўлмаган тақдирда фильм Буюртмачи томонидан қабул қилинмайди.

Фильмни ишлаб чиқувчи фильмнинг бошланғич қисмида Буюртмачининг логосини

жойлаштириш талаб этилади.

Фильмни ишлаб чиқувчи Буюртмачининг тасдиқлашидан кейингина интернет тармогига жойлаштиришга рухсат берилади.

Фильм ишлаб чиқувчи жамоадан вакил буюртмачи томон билан доимо алоқада бўлиши ва жараёнлардан хабардор қилиб туриши тавсия этилади.